

## ТҮЛОВГА ҚОБИЛИЯТСИЗЛИК АЛОМАТЛАРИ ВА ИҚТИСОДИЙ СУДГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

А.О. Хайтбоев

Чирчиқ туманлараро иқтисодий судининг раиси

### АННОТАЦИЯ

Жисмоний шахсларнинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисидаги иш суд томонидан кўриб чиқилади. Қарздор пул мажбуриятларини бажармаганлиги муносабати билан унга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзгатиш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат этиши ҳуқуқига қарздорнинг ўзи ва кредитор эга.

**Калим сўзлар:** Банкротлик, пул мажбуриятлари, мулк, кредиторларнинг талаблари, қарздорлик айби, қарз

### ABSTRACT

*The case of insolvency of individuals is considered by the court. The debtor and the creditor have the right to apply to the court with a petition for insolvency in connection with the default of the debtor.*

**Keywords:** Bankruptcy, monetary obligations, property, creditors' claims, indebtedness, debt

### КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2022 йил 12 апрелда ЎРҚ-763-сонли “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонун имзоланди. Қонун мазмунан кенгайтирилиб, “банкротлик” атамаси жаҳон тажрибаси талабларига мувофиқ “тўловга қобилиятсизлик” атамаси билан алмаштирилди.

Мазкур қонун 17-боб, 249-моддадан иборат бўлиб, унинг 1-моддасида қонуннинг амал қилиши давлат муассасаларига ва бошқа нотижорат ташкилотларига нисбатан татбиқ этилмаслиги, бундан матлубот кооперативи ёки ижтимоий фонд шаклидаги фаолиятни амалга ошираётган юридик шахслар мустаснолиги белгиланган.

Янги таҳрирда ишлаб чиқилган “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикасида бизнес юритиш мухитини янада яхшилаш, кредиторларнинг ҳамда хорижий инвесторларнинг банкротлик жараёнида кредиторлик қарздорликларини қайташ кафолатларини янада кучайтириш, банкротлик таомиллари орқали иқтисодий начор корхоналар фаолиятини қайта тиклаш ҳисобланади.

## **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Расмий равиша банкротлик деганда қарздорнинг ихтийорий илтимосига биноан йоки унинг кредиторларининг илтимосига биноан қонуний очор деб эътироф этилган ва қолган молғумулки ушбу кредиторларнинг юрисдиктсиясида бўлган йоки улар ўртасида тақсимланган ҳолат тушунилади. Йаъни, ўз моҳиятига кўра, банкротлик юридик жиҳаттан тан олинган тўловга лайоқатсизликдир.

Хусусан, қонуннинг 5-моддасида тўловга қобилиятсизлик аломатлари белгиланган бўлиб, улар қуидагилардан иборат:

вақтинча тўловга қобилиятсизлик - агар тегишли мажбуриятлар юзага келган санадан эътиборан уч ой ичида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхоналар томонидан эса олти ой ичида бажарилмаса, судга мурожаат этиш санасида қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қаноатлантиришга ва (ёки) солиқлар ҳамда йифимлар бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга қодир эмаслиги;

доимий тўловга қобилиятсизлик - агар судга ариза бериш санасидаги ва ариза берилган йилнинг бошидаги ҳисбот даврида, агарда ариза йилнинг биринчи чорагида берилган бўлса, ўтган йилнинг бошидаги ҳисбот даврида қарздорнинг мажбуриятлари унинг активлари қийматидан ошиб кетган бўлса.

Ушбу мақолада жисмоний шахснинг тўловга лайоқатсизликлиги институти, унинг ўзига хос хусусиятлари, ҳуқуқий тартибга солиш ва ҳуқуқни қоллашнинг айрим муаммолари кориб чиқилади. Фуқаронинг ўзига нисбатан тўловга лайоқатсизликги тўғрисидаги иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қилишига йордам берувчи омиллар белгиланган. Юридик институтнинг самарадорлигини баҳолаш ва ривожлантиришнинг истиқболли йоналишларини аниқлаш учун уни хорижда тартибга солиш таҳлили ўтказилади.

Шунингдек, қонунга доимий тўловга қобилиятсизлик тушунчаси киритилди. Агар судга ариза бериш санасидаги ва ариза берилган йилнинг бошидаги ҳисбот даврида, агарда ариза йилнинг биринчи чорагида берилган бўлса, ўтган йилнинг бошидаги ҳисбот даврида қарздорнинг мажбуриятлари унинг активлари қийматидан ошиб кетган тўловга қобилиятсизлик автомати бўлиб ҳисобланади.

Мазкур моддада назарда тутилган қоидалар тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишлар соддалаштирилган тартибда кўриб чиқилаётганда,

жисмоний шахслар, шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорнинг қобилиятсизлик тўғрисидаги ишлар кўриб чиқилаётганда қўлланилмайди.

Қайд этиш лозимки, қонуннинг 6-моддасида тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш қайси суднинг судловида кўриб чиқилиши белгиланди. Судга мурожаат этиш ҳукуқига эга бўлган шахснинг (органинг) аризаси асосида қарздор юридик шахс давлат рўйхатидан ўтган жойдаги, шунингдек қарздор жисмоний шахс ва (ёки) якка тартибдаги тадбиркорнинг яшаш жойидаги суд томонидан кўриб чиқилиши белгиаган.

Олдинги таҳрирда якка тартибдаги тадбиркор ва жисмоний шахснинг яшаш жойидаги суд томонидан кўриб чиқилиши белгиланмаган эди.

Қонун юридик ва жисмоний шахсларнинг, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорларнинг тўловга қобилиятсизлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солади. Унинг нормалари давлат муассасаларига ва бошқа нотижорат ташкилотларига нисбатан татбиқ этилмайди, бундан матлубот кооперативи ёки ижтимоий фонд шаклидаги фаолиятни амалга ошираётган юридик шахслар мустасно.

Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишида Идоралараро ишчи гурӯҳ тузилиб, мутахассислар томонидан 2019 йил октябрда Япония ҳамда 2020 йил январда АҚШнинг тўловга қобилиятсизлик соҳасидаги тажрибаси ўрганилган.

Шунингдек, 2020 йил февраль ойида ЛИСА Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги кўмагида Японияда тўловга қобилиятсизлик амалиёти билан шуғулланувчи 2 нафар экспертларнинг мамлакатимизга ташрифи ташкил этилди. “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси бўйича мутахассисларнинг фикрлари, шунингдек Жаҳон банкининг таклиф ва тавсиялари олинган.

### **Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш зарурати**

- биринчидан – амалдаги Қонуннинг “банкротлик” атамаси билан номланиши фақатгина иқтисодий ночор корхонани банкрот деб топиш ва уларни тугатиш билан боғлиқ тушунчани англатмоқда;
- иккинчидан – банкротликнинг соғломлаштириш таомиллари, хусусан, суд санацияси ва ташки бошқарув таомилларини қўлланишини рағбатлантирувчи нормалар мавжуд эмас;
- учинчидан – кредиторлар қарзларининг қопланиш даражаси пастлиги ва банкротлик жараёнлари муддати узок давом этиши оқибатида кўп ҳаражат сарф бўлиши;

- тўртинчидан – қарздор тузган битимларни бажаришдан бош тортиш ҳамда уни ҳақиқий эмас деб топиш бўйича аниқ нормалар мавжуд эмаслиги;
- бешинчидан – амалиётда мол-мулки етмасдан қопланмай қолган қарз маблағларини қарздорнинг мансабдор шахсларидан субсидиар ёки солидар тартибда ундириш тартиблари белгиланмаганлиги;
- олтинчидан – жисмоний шахснинг тўловга қобилиятсизлиги институти ва амалиёти мавжуд эмаслиги;
- еттинчидан – суд бошқарувчиларнинг ҳақ-хукуқлари, мажбуриятлари аниқ белгиланган бўлсада, уларнинг ваколатлари етарли даражада эмаслиги, уларга иш ҳақи ва мукофот пулларини бериш кафолатланмаганлиги шулар жумласидандир.

#### **Конуннинг нормалари қуйидагиларни белгилайди:**

- тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишни юритиш иштирокчиларининг, кредиторлар йифилишининг, жамоат бирлашмаларининг, суд бошқарувчиларининг ҳукуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги;
  - тўловга қобилиятсизлик тартиб-таомиллари;
  - тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишларни судда кўриб чиқиш тартиби;
  - тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишда қарздор раҳбарининг ва бошқа шахсларнинг жавобгарлиги;
  - келишув битимиши тузиш тартиби;
  - қарздор юридик шахсларнинг айrim тоифалари тўловга қобилиятсизлигининг ўзига хос хусусиятлари;
- Жисмоний шахснинг тўловга қобилиятсизлиги.

Суд бошқарувчисининг ҳукуқлари кенгайтирилмоқда, жумладан Давлат хизматлари агентлиги орқали кўрсатиладиган хизматлардан олдиндан тўловларни амалга оширмасдан фойдаланиш, давлат органларидан қарздор фаолияти бўйича маълумотларни бепул олиш, мулки бўлмаган корхоналарни тутатишда суд бошқарувчисига ҳақ тўлаш каби янги тартиблар белгиланмоқда.

Адвокатлик ва аудиторлик хизмати кўрсатувчи юридик шахсларга ҳам тўловга қобилиятсизлик таомилларини ўтказиш ҳукуқи берилмоқда.

Улуш киритиш асосида қурилган уй-жойларни харид қилган мулкдорлар ҳукуқлари ҳимоясини таъминлаш мақсадида қурувчиларни тўловга қобилиятсиз деб топишнинг алоҳида тартиби белгиланмоқда. Қарздор юридик шахсга суд санацияси ёки ташқи бошқарув таомилини қўлланишига эришган

суд бошқарувчисини қўшимча рағбатлантириш, қўшимча хукуқ ва ваколатлар бериш ва бошқа нормалар таклиф этилмоқда.

Шунингдек, мазкур Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мамлакатимизнинг халқаро рейтингларда тўловга қобилиятсизлик индикаторидаги ўрнини кўтариш, шунингдек, амалиётда тўловга қобилиятсизлик ҳолатига тушган корхоналарнинг фаолиятини тезкорлик билан тиклаш имконини беради. Таъкидланганидек, Қонунда тўловга қобилиятсизликнинг соғломлаштириш таомилларини ўtkазиш жараёнида вужудга келган жорий солик тўловларини ҳисоблашни тўхтатиб туриш ва жараён муддати якунлангандан сўнг тўлаш, қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш мақсадида тижорат банклари, молия ташкилотлари ва бошқа манбаларнинг маблағларини жалб этиш ҳамда соғломлаштириш режаларида олдиндан қарздорликнинг қанча қисмини қоплашни кўзда тутиш каби тартиблар ўз аксини топмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексида назарда тутилган қоидалар бўйича мазкур қонунда белгиланган ўзига хос хусусиятлар инобатга олинган ҳолда суд томонидан кўриб чиқилади.

## **ХУЛОСА**

Мазкур қонун тўловга қобилиятсизликни соғломлаштириш таомиллари орқали иқтисодий начор корхоналарни молиявий соғломлаштириш чораларини қўллашга имконият яратади. Қонун билан тўловга қобилиятсизлик аломатлари ҳамда тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқадиган орган белгиланган. Бундай иш суд томонидан судга мурожаат этиш хукуқига эга бўлган шахснинг (органинг) аризаси асосида қарздор юридик шахс давлат рўйхатидан ўтган жойдаги, шунингдек қарздор жисмоний шахс ва (ёки) якка тартибдаги тадбиркорнинг яшаш жойидаги суд томонидан Иқтисодий процессуал кодексда назарда тутилган қоидалар бўйича кўриб чиқилади.

## **REFERENCES**

1. Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг хўжалик процессуал хукуки. – Тошкент: Адабиёт жамғармаси.
2. Ибратова Ф.Б. Ўзбекистон Республикасининг хўжалик процессуал хукуки. – Тошкент: ТДЮИ. 2011. – 705 с.
3. Бурханходжаева Х. В., Хўжалик процессуал актлари (хужжатлари)ни расмийлаштириш. Дарслик. Тошкент: “Илм-Зиё”. 2006.

4. Бурханходжаева Х. В. Хўжалик процессуал ҳуқуки (услубий қўланма). – Тошкент: ТДЮИ, 2005.
5. Отахонов Ф.Х. Хўжалик процессида адвокатнинг иштироки (ўкув қулланма). –Т.: ТДЮИ, 2005. – 141б.
6. Дўстов У. Хўжалик юрутувчи субъектлар банкротлиги. Ўкув қўлланма. Ю.ф.н., доцент Ф.Х. Отахоновнинг умумий таҳрири остида. F T.: ТДЮИ нашриёти. 2007.